

Шартнома №18/2022

(Лойиха-смета ҳужжатларини бажаришга доир)

Андижон шаҳри

2022 йил « 6 » оч

Андижон вилояти "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК Низоми асосида Компания директори **Б.Абдурахимов** бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи «Андижон АЙБИЛ» (Андижон Автомобил йуллари бино иншоат лойиха) ЖК номидан корхона Низоми асосида иш юритувчи директори **П.Умаров** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани тuzдилар.

I. Шартнома мазмуни

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги объектларни қурилиш ишларига ишчи смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

1.2. **Объект номи :**

Шахрихон туман "Бувайдо" МФЙ "Чинобод" кўчаси, "Муллабой" МФЙ "Ёркенг" кўчаси, "Шахрихон" МФЙ "Хамза" кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш ишлари учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш

2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартноманинг баҳоси

2.1. Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха-смета ишларига ўтказилган биржа танловларнинг 2022 йил 25 мартдаги № 59492 -сонли ЛОТ га асосан 2022 йил 4 апрелдаги танлов комиссиясининг №13788-сонли баённомаси билан 65 000 000 (Олтмиш беш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Қўшимча ишлар пайдо бўлганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қўшимча келишув тузилади.

III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи Бажарувчига бажарилган ишларни қабул қилиш учун шартнома умумий қийматининг олдиндан 30 фоизи миқдорида 19 500 000 (Ўн тўққиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. Колган 70 % 45 500 000 (Қирк беш миллион беш юз минг) сўмни бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сунг амалга оширилади..

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган ҳужжатлари (лойиҳалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил _____ кунига қадар ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;
- белгиланган режа жадрвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;
- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;
- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур ҳужжатларни тақдим этади;
- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;
- Бажарувчи томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;
- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи ҳисобот ҳужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.6. Бажариладиган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

43 90 300

5.7. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилганда ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилган қисми учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.
- 6.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб борилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларни ўз ҳисобидан I ой муддатда бартараф этишга мажбур.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари

- 7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

IX. Бошқа шартлар

- 9.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтганидан кегин кучга қиради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.
- 9.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
- 9.5. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

X. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Андижон вилояти "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК	«Андижон АЙБИЛ» ХК
Андижон ш. Навоий шох кўча 45 ўй	Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4
Тел : 223-08-28	Тел: (8 595) 200- 97 -39
ШХВ: 1000218600340170 СТИР: 200 238 014; ОКОНХ: 69 000	Андижон ш. «Асака» АТ банки Андижон вилоят филиали.
Ўзб.Респ. Молия вазирлиги Ғазна х/р: 2340200030010001010	х/р 202 080 008 047 200 660 02
МБ ХККМ Ташкент шаҳар	МФО: 00069; ИИН: 300883437; ОКЭД: 71110
СТИР: 201 122 919	Директори:
Компания директори : 	
М.Ў. Б.Абдурахимов	Н.Умаров
	М.

Handwritten signature and stamp at the bottom of the page.